Xulosa. Tadqiqotdan olingan natijalardan shuni xulosa qilish mumkinki, Andijon shahri va Izboskan tumani sharoitida yashovchi o'g'il va qiz bolalarda burun sohasining kraniometrik ko'rsatkichlari yoshga bog'liq ravishda bir maromda o'sib, rivojlanib boradi. O'rganilgan har ikkala hududda yashovchi 7-12 yoshdagi bolalar boshining burun sohasiga oid kraniometrik ko'rsatkichlarning eng jadal o'sishi 7-10 yoshlar oralig'ida kuzatiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Кахаров З.А., Саттибоев И.И., Туланов Д.Ш., Абдуллаева М.И., Зулунова И.Б., Раимжонов Р.Р. Некоторые антропометрические показатели физического развития детей дошкольного возраста. Молодой учёный. - 2018. 4 (190), 64-66.
2. Пулатов Н.Х., Саттибоев И.И. О ростовых процессах лицевой область головы у детей узбекской национальности. Молодой ученый.-2017. 204-208.
3. Раимжонов Р.Р., Шодмонов А.А., Каримкулов Н.А., Саттибоев И.И., Дусмухамедов М.З. Результаты кра-ниометрического исследования детей узбекской национальности. Молодой ученый.-2017. 27 (161), 101-104.
4. Ризаев Ж.А., Адилова Ш.Т., Курбанов Ш., Мамажанова Ш.Э. Информированность учителей начальных классов о профилактической стоматологии // Медицинский журнал Узбекистана. - 2008, №4. - С. 55-58.
5. Ризаев Ж.А., Дусмухамедов М.З., Дусмухамедов Д.М., Абдукаюмов А.А., Хакимова З. Клинико-диагностическая значимость передней активной риноманометрии у детей с врожденной расщелиной губы и неба // «Вестник проблем биологии и медицины», Украинский научно-практический журнал выпуск 4, том 1(153), - Украина 2019.
6. Саттибоев И.И., Кахаров З.А., Туланов Д.Ш., Абдуллаева М.И., Раимжонов Р.Р., Зулунова И.Б. Результаты антропометрических исследований у детей от рождения до 7 лет жизни. Молодой ученый.-2018. 4 (190), 70-72.
7. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2023-yil 28-fevraldagi PF-27-sonli "2022-2026 yillarga mo'ljallangan Yangi O'zbekistonning taraqqiyot strategiyasini "Insonga e'tibor va sifatli ta'lim yili"da amalga oshirishga oid davlat dasturi to'g'risida"gi farmoni.
8. Shokirov X.U. Andijon viloyati Andijon shahri sharoitida yashovchi kichik maktab yoshidagi bolalarning kraniometrik ko'rsatkichlari // Magistrlik dissertatsiyasi. Andijon-2017.
9. Ulugbekova G.J., Adkhamov Sh.A. The role of "ANATOMAGE SMART TABLE", "SMART BOARD" in 3D, 4D format in the study of physical development indicators of children and adolescents // Tibbiyotda yangi kun ilmiy referativ, ma'rifiy-ma'naviy jurnal. -2023. 2 (52), 202-206 b.
10. Ulugbekova G.J., Turgunov M.A., Axmatxonova M.K., Umarova M.M., Umurzakova N.S., Hudoyberdiyeva M.DJ. Growth indicators of the parameters of the parameters of the nose and lower jaw ovtu young girls and boys living in condition's of Andizhan city Andizhan region // Tibbiyotda yangi kun ilmiy referativ, ma'rifiy-ma'naviy jurnal.-2020. 2(30), 567-569 b.
11. <https://www.president.uz>
12. <https://lex.uz>
13. <https://ssv.uz>
14. <https://elibrary.ru>

SITOMEGALOVIRUS INFEKTSIYASINING YANGI TUG'ILGAN CHAQALOQLAR BUYRAGIGA TA'SIRINI O'RGANISH**M. I. Xazratkulova, K. R. Dilmuradova**

Samarqand davlat tibbiyot universiteti, Samarqand, O'zbekiston

Tayanch so'zlar: SMVI, NGAL, chaqaloqlar, infeksiya, buyraklar.**Ключевые слова:** ЦМВИ, NGAL, новорожденных, инфекция, почки.**Key words:** SMVI, NGAL, babies, infection, kidneys.

Homiladorlikda va tug'ruq jarayonida yuzaga keladigan buyrak zararlanishining sabablaridan biri bu homila ichi infeksiyalari bo'lib, ular orasida sitomegalovirus infeksiyasi yetakchi o'rinlardan birini egallaydi. Samarqand viloyat Perinatal Markazi va 1- son tug'ruqxona majmuasida 2022-2023 yillarda tug'ilgan 50 nafar chaqaloqlar kuzatilib, ulardan 30 nafar sitomegalovirus infeksiyasi bor onalardan tug'ilgan chaqaloqlar, 20 nafar SMVI aniqlanmagan onalardan tug'ilgan sog'lom chaqaloqlar bilan o'rganildi. O'tkazilgan tekshiruv natijalaridan NGAL biomarkerining siydik va qon zardobida oshishi chaqaloq hayotining keyingi davrlarida siydik yo'llari yallig'lanish xafini oshirishi mumkin ekanligi ma'lum bo'ldi.

ИЗУЧЕНИЕ ВЛИЯНИЯ ЦИТОМЕГАЛОВИРУСНОЙ ИНФЕКЦИИ НА ПОЧКИ НОВОРОЖДЕННЫХ**М. И. Хазраткулова, К. Р. Дильмурадова**

Самаркандский государственный медицинский университет, Самарканд, Узбекистан

Одной из причин поражения почек, возникающего при беременности и родах, являются внутриутробные инфекции, среди которых цитомегаловирусная инфекция занимает одно из ведущих мест. В Самаркандском областном перинатальном центре и родильном комплексе №1 наблюдались 50 детей 2022-2023 годов рождения, из них 30 рождены от матерей с цитомегаловирусной инфекцией, а 20 сравнивались со здоровыми детьми, рожденными от матерей без ЦМВ-инфекции. По результатам обследования установлено, что повышение биомаркера NGAL в моче и сыворотке крови может повышать риск развития воспаления мочевыводящих путей в более поздние периоды жизни ребенка.

STUDY OF THE EFFECT OF CYTOMEGALOVIRUS INFECTION ON THE KIDNEYS OF NEWBORNS**M. I. Khazratkulova, K. R. Dilmuradova**

Samarkand state medical university, Samarkand, Uzbekistan

One of the causes of kidney damage that occurs during pregnancy and childbirth is fetal infections, and cytomegalovirus infection takes one of the leading places among them. 50 babies born in 2022-2023 were observed in the Samarkand Regional Perinatal Center and maternity complex No. 1, 30 of them were born to mothers with cytomegalovirus infection, and 20 were compared with healthy babies born to mothers with no SMVI infection. As a result of the examination, it was found that the increase of the NGAL biomarker in urine and blood serum can increase the risk of urinary tract inflammation in the later periods of the baby's life.

Kirish: Homila ichi infeksiyasi perinatal o'lim darajasida yetakchi o'rinlardan birini egallaydi. Sitomegalovirus infeksiyasi esa homila ichi infeksiyalar orasida birinchi o'rinda turib, turli xil nuqsonlarning shakllanishida asosiy sababchilardan biri sanaladi. [15,17]. SMVIning xususyatlaridan biri hujayra ichida parazitlik qilish va davriy qayta faollanishi, rivojlanishi bilan inson organizmida uzoq vaqt qolish qobiliyatiga egadir. Sitomegalovirus (SMV) - herpes viruslar oilasiga kirib, uning 5 vakili hisoblanadi (Human Herpes virusi - 5) va polimorf klinik belgilar va o'zining o'zgaruvchanligi bilan tavsiflanib, chaqaloq kasalliklarning qo'zg'atuvchisidir. [16,13,20]. Kasallikning klinik ko'rinishlarining xilma-xilligi SMVIning homiladorlikning istalgan bosqichida homilani yuqtirish qobiliyati bilan belgilanadi Homiladorlikning dastlabki davrida homila infeksiyalanganida markaziy asab tizimi, yurak-qon tomir, buyrak va boshqalarning turli xil nuqsonlari hosil bo'ladi. Homiladorlikning kechgi davrida infeksiyalanganida esa yangi tug'ilgan chaqaloqlarda turli a'zolar va tizimlarning zararlanishlari aniqlanadi. Tug'ma SMVI yangi tug'ilgan chaqaloqlarda faol kechgan holatida 40-90 foizigacha uzoq muddatli nevrologik oqibatlar va eshitish qobiliyatini yo'qotish, shuningdek, ko'rish organlarining zararlanishi, jigar va buyraklar zararlanishi kuzatilishi va ba'zan o'lim holati bilan tugallanishi mumkin [18].

Erta yoshda namoyon bo'ladigan bir qator buyrak kasalliklari ante va perinatal davrlarda kelib chiqadi. Tug'ruq jarayonida yuzaga keladigan buyrak zararlanishining sabablaridan biri bu homila ichi infeksiyalari bo'lib, ular orasida sitomegalovirus infeksiyasi yetakchi o'rinlardan birini egallaydi [17]. Tug'ma SMVI bo'lgan bolalarda buyraklar patologiyasini o'rganishda siydik ajratish tizimining nuqsonlari shakllanishi mumkinligi aniqlandi. Buyraklar rivojlanishidagi nuqsonlar ikki barobar, polikistoz, gipoplaziya, taqa buyrak, siydik yo'llarining tutilishi bilan

ifodalanadi. Tug'ma SMVI interstitsial nefritning klinik belgilari, shu jumladan, nefrotik sindrom, dismetabolik nefropatiya, siydik yo'llari infeksiyasining rivojlanishi bilan birga kechadi [12]. Sitomegalovirus infeksiyasida buyrak zararlanishi o'zini interstitsial nefrit, malformatsiyalar sifatida ko'rsatishi mumkin, ko'pincha og'ir takroriy ikkilamchi pielonefrit, juda kamdan-kam hollarda nefrotik sindrom bilan asoratlanadi.

Tug'ilganda bolalarning 1-2 foizi virusni siydik bilan chiqarib yuborishi aniqlandi va bir yoshga kelib ularning soni 10-20 foizgacha oshadi. [8,4.2].

SMVIDa buyrak to'qimasining zararlanishi umumiy shaklda kechganida yuzaga keladi yoki o'ziga xos bo'lmagan, belgisiz, boshqa kasallik belgilari bilan "niqoblanishi" orqali kechadi. Buyraklarning katta malformatsiyasining mavjudligi sitomegaliya virusi ta'sirida siydik tizimi shakllanishining buzilishi bilan SMVIning erta teratogen ta'sirini ko'rsatadi [7]. SMVIDa buyrak zararlanishi ko'pincha glomerulopatiya, membranoproliferativ glomerulonefrit (GN), membranoz nefropatiya, mezangioproliferativ GN, IgA nefropatiya, TMA [6] rivojlanishi bilan glomeruliyaning o'tkir zararlanishiga olib keladi. Piyelouretral segment nuqsonlar rivojlanishida yangi tug'ilgan chaqaloqlarni SMVIGA tekshirish zarur, bu jarayon mavjud bo'lganda, ixtisoslashtirilgan bo'limda o'ziga xos davo choralarini o'tkazish va tug'ma piyeloektaziya rivojlanishining oldini olish imkonini beradi [28]. JSSTning Yevropa mintaqaviy bo'limi sitomegalovirus infeksiyasini yuqumli kasalliklardan biri sifatida tasniflaydi. J.D.Semidotskaya va boshqalarning tadqiqotlariga ko'ra, glomerulonefritning surunkali shakllari bo'lgan bemorlarda SMVIning IgG antitelasi 68% hollarda, IgM shakli esa 54% aniqlangan. Klinik ma'lumotlar kasallikning yanada og'irroq kechishini farqlanadi. Immunologik ko'rsatkichlar T-xelperlar darajasining pasayishi va T-supressorlar darajasining oshishi, shuningdek, komplement tizimining faollashishi va fagotsitar faollikning ba'zi ko'rsatkichlari bilan tavsiflanadi [22] O'BY ni erta tashhislash uchun eng istiqbolli biomarkerlar GFni aks ettirmaydi, ammo buyrak parenximasining o'tkir zararlanishi, hujayralar proliferatsiyasi, differentsiatsiyasi, apoptozi, immunitetning buzilishi va sitokinlar va ximokinlar ishlab chiqarilishi o'tkir buyrak yetishmavchiligi aniqlab berishi mumkin.[14].

So'nggi yillarda buyrakning o'tkir zararlanishida kreatinin kontsentratsiyasi oshish darajasidan 1-2 kun oldin ko'payadigan va buyrak zararlanishining og'irligi va o'tkir zararlanish og'irligini aks ettiruvchi belgi biomarkiri (lipokalin-2, NGAL- neytrofil jelatinaza bilan bog'langan) topildi. Molekulyar og'irligi 25 kDa bo'lgan NGAL oqsili epiteliy hujayralari, shu jumladan proksimal kanalchalar tomonidan sintezlanadi. Zararlanish darajasiga qarab, lipokalin-2 ham hujayraning omon qolish omili, ham proapoptotik omil bo'lishi mumkin. Agar lipokalin-2 ya'ni NGAL sintezi kuchaysa, siydik va plazmada uning miqdor darajasi o'zaro bog'liq ravishda oshadi. [1.13].

Yuqori sezuvchanlik natijalariga va o'ziga xoslikka ega bo'lgan yangi yuqori natijalarni beradigan O'BY biomarkerlariga plazma paneli (NGAL va sistatin C) va siydik paneli (NGAL, IL-18, KIM-1, L-FABP) kiradi. NGAL (neytrofil jelatinaza bilan bog'langan lipokalin/lipokalin-2) eng ko'p o'rganilgan biomarker hisoblanadi [15].

So'nggi yillarda bir qator tadqiqotlar shuni ko'rsatdiki, NGAL darajasi buyrak zararlanishidan 2-6 soat o'tgach ortadi, kreatinin darajasi esa 24-72 soatdan keyin ortadi, shuning uchun favqulodda vaziyatlarda O'BY ni erta tashhislash uchun NGAL biomarkeri orqali aniqlash tavsiya etiladi [11,1].

Sistatin C surunkali buyrak kasalligi (SBY) rivojlanishi va keyinchalik yurak-qon tomir asoratlari rivojlanishi xavfi yuqori bo'lgan bemorlarni aniqlaydi va normal kreatinin darajasiga ega bo'lgan shaxslar orasida NGAL O'BY erta rivojlanish xavfi yuqori bo'lgan bemorlarda aniqlanadi. [10].

Umuman olganda, s-NGAL (qon plazmasida aniqlanadi) va u-NGAL (siydikda aniqlanadi) har qanday etiologiyali O'BY rivojlanishining dastlabki belgilarini aniqlab beradi. Qon zardobida s-NGAL (s-zardob) darajasi ko'tariladi va ko'tarilgan NGAL darajasi buyraklarga etib boradi va proksimal kanalchalarda qayta so'riladi. Bu aniq va qayta-qayta ko'rsatilgan: buyrak kanalchalari shikastlanganda, s-NGAL darajasi 7-15 marta, u-NGAL 25-1000 marta oshadi! s-NGAL va u-NGALni aniqlash har tomonlama O'BY rivojlanishi haqida juda qimmatli, aniq ma'lumotlarni beradi [1]. Tug'ma SMVI bo'lgan yangi tug'ilgan chaqaloqlar ko'pincha turli darajadagi asfiksiya bilan tug'iladi. Yangi tug'ilgan chaqaloqlarda buyraklar zararlanishining rivojlanishida tug'ruq paytida asfiksiyaning roli adabiyotlarda keng yoritilgan: buyraklar ko'p organlarning zararlanishi tuzilishida ikkinchi o'rinda turadi. Hozirgacha yangi tug'ilgan chaqaloqlarda buyrak patologiyasini rivojlanishida sitomegalovirus infeksiyasining roli yaxshi o'rganilmagan. Yuqoridagilarga asoslanib, hozirgi kunga qadar SMVI ni aniqlash muammosi, shuningdek uning yangi tug'ilgan

chaqaloqlarda buyraklarining klinik va laboratoriya ko'rsatgichlariga ta'siri eng dolzarb va kam o'rganilgan masalalardan biridir. [9,1]. SMVI bo'lgan onalardan tug'ilgan chaqaloqlarda aniqlangan klinik diagnostik hamda strukturaviy buyrak zararlanishi va buyrak patologiyalari va boshqa tizimlarning rivojlanish xavfini baholashda marker bo'lib xizmat qilishi mumkin.

O'tkir buyrak zararlanishini tashhislash va keyingi buyrak holatlarini taxmin qilish usullarini takomillashtirishda yangi biomarkerlar buyraklarning o'tkir zararlanishining dastlabki bosqichi bilan bog'liq bo'lgan buyraklarning filtratsiya funksiyasidan mustaqil bo'lgan yangi biomarkerlarni aniqlash va o'rganish bilan bog'liq. Bir qator tadqiqotlar natijasida olingan natijalar tahlil qilindagina, bu bemorlarda o'tkir buyrak zararlanishi va buyrak naychalarining zararlanish xavfini taxmin qilish uchun biomarker sifatida NGAL biomarkerini aniqlash sezilarli samarador ekanligini ko'rsatdi.[21,20].

Siydik va qonda NGAL biomarkerining paydo bo'lib oshishi, buyrak kanalchalarining faol zararlanishini aks ettirishi, glomerulyar filtratsiya tezligining pasayishini taxmin qilish va shu bilan birgalikda kasallikning rivojlanishini oldindan belgilashi mumkin. Qon va siydikdagi NGAL darajasi bolalarda ham, kattalarda ham turli xil etiologiyalarning o'tkir buyrak zararlanishi darajasining prognostik ahamiyatga ega biomarker ekanligi aniqlandi.[10].

NGAL (neytrofil jelatinaza bilan bog'langan lipokalin - neytrofil jelatinaza bilan bog'langan lipokalin) tananing barcha hujayralarida hosil bo'lgan oqsil bo'lib, hujayralar "stressli" sharoitga tushganda uning sintezi kuchayadi. NGAL ning biologik ahamiyati temir ionlarini bog'lash va zararlangan sohasidagi mikroorganizmlarning ko'payishini to'xtatishdan iborat, apoptoz jarayonlarini susaytiradi va hujayralarning proliferativ va reparativ reaksiyasini rag'batlantiradi. Qon plazmasidan NGAL buyraklar glomerulularida erkin filtrlanadi, so'ngra u asosan proksimal kanalcha hujayralari tomonidan endotsitoz orqali qayta so'riladi va parchalanadi. Shuning bilan plazma NGALning siydik bilan chiqarilishi faqat buyraklarning proksimal kanalchalari zararlanganda sodir bo'lishi mumkin, bu lipokalin reabsorbsiyasining pasayishiga va eng muhimi, kanalchalarning hujayralarida NGAL sintezining kuchayishiga olib keladi. Bundan tashqari, NGAL mRNK ifodasi O'BYda nefronning distal qismlarida: Genle halqasining ko'tarilgan shoxchasida va yig'uvchi kanallarda, shuningdek, alohida organlarda topilgan. Buyrak hujayralaridagi NGAL geni organning o'tkir zararlanishi, ishemik yoki toksik zararlanishidan ko'p o'tmay faollashgan oqsildir. Siydik va qon zardobidagi NGAL darajasi qon kreatinin darajasi va o'tkir buyrak yetishmovchiligi bo'lgan bemorlarda buyrak tuzilmalaridagi o'zgarishlarning gistologik tahlili ma'lumotlari bilan bog'liq. Shunday qilib, NGAL prerrenal O'BY kuzatilgan bemorlar siydigida kontsentratsiyasida, O'BY kuzatilmagan kanalchalarning strukturaviy zararlanishining gistologik belgilari yo'qligiga qaramasdan, sezilarli darajada yuqori. Og'ir O'BY diffuz buyrak naychalari zararlanishi (nekroz) bilan bog'liq va distal naycha zararlanishi belgilarining ma'lumotlari bo'lishi mumkin. qon plazmasidagi NGAL darajasi miqdorining oshishi surunkali buyrak kasalliklari, arterial gipertenziya, tizimli infeksiyalar, yallig'lanish va onkologik kasalliklar kabi turli xil birga keladigan holatlar qon plazmasidagi NGAL darajasiga ta'sir qilishi mumkin, bu odatda testning o'ziga xosligini pasaytiradi[13].

Tadqiqot materiallari va usullari: Tekshirish obyektimiz Samarqand shahridagi vi-loyat Perinatal markazida hamda 1-son tug'ruq majmuasida 2022-2023 yillarda tug'ilgan 50 nafar muddatida tug'ilgan chaqaloqlar bo'lib, ularni anamnezi, laborator tahlillari va instrumental tekshiruvlari shuningdek bir yoshgacha katamnez kuzatuvini o'tkazildi. Chaqaloqlar ikki guruhga asosiy va sog'lom guruhlariga bo'lib o'rganildi. Asosiy guruhga onasida SMVI aniqlangan, onalardan tug'ilgan 30 nafar chaqaloqlar kuzatuvini va tekshirilayotgan chaqaloqlarni taqqoslash maqsadida onasida SMVI aniqlanmagan onalardan tug'ilgan sog'lom chaqaloqlar sog'lom guruh sifatida olinib bu guruhga 20 nafar chaqaloqlarni tashkil etdi. Chaqaloqlarning tana vazni 2560 grammdan 4200gramm vazngacha bo'lgan yetilgan chaqaloqlarni tashkil qiladi. Ulardan 37 (74%) nafari o'g'il bolalar, 13 (26%) nafari esa qiz bolalarni tashkil qildi. Chaqaloqlarining anamnezi, klinikasi va laborator instrumental tekshiruv natijasi, shuning bilan chaqaloq onalarining hayot anamnezi va SMVIga IFA va PZR qon tahlili hisoblanadi. SMVIsi chaqaloqlar buyragini zararlanish ta'siri adabiyotlarda to'liq o'rganilmagani bois asosiy guruh chaqaloqlar, sog'lom chaqaloqlar guruhi bilan taqqoslanib o'rganildi.

Kuzatilgan chaqaloqlar tahlillari "SMART DOKTOR" xususiy klinikasida chaqaloqlarning laborator tahlillaridan SMVIning Immunoferment analiz tekshiruvini Mindray MR-96A apparati or-

qali, umumiy qon tahlili Mindray BS-5000 apparatida, umumiy qon biokimyoviy tahlili-Mindray BS-380 apparati orqali kuzatildi, umumiy siydik tahlili mikroskopik tekshirildi va chaqaloq siydigida “Boyg'uli ko‘zi” sinamasini Ramanovskiy Gimza buyash usuli orqali tekshiruv o‘tkazildi. Samarqand davlat tibbiyot universiteti qoshidagi L.M.Isayev nomidagi Mikrobiologiya, virusologiya, yuqumli va parazitlar kasalliklar ilmiy-tadqiqot markazida esa chaqaloq siydigi va qon plazmasida buyraklarning o‘tkir zararlanish darajasi INGal biomarkeri bilan IFA tekshirish usulida Rayto rt2100c microplate reader apparatida o‘rganildi, PZR tekshirish usuli BIOER apparatida onaning va bolaning qon plazmasida SMVI tekshirilib, zararlanish darajasi o‘rganildi. Instrumental tekshiruv ishlari SamDTUning Ko‘p tarmoqli klinikasining diagnostika bo‘limida Instrumental tekshiruvlar orqali UZI, dopler va neyrosonografiya tekshiruvlari chaqaloqlar bosh miyasi ichki organlaridan asosan yurak, buyraklari tekshirilib tahlil qilindi. Chaqaloqlarda tekshiruvlar laborator: maxsus va umumiy tekshiruvlar va instrumental tekshiruvlar asosida o‘tkazildi. Umumiy tekshiruvlarga: umumiy qon tahlili, umumiy siydik tahlili, umumiy qon biokimyoviy tahlili o‘tkazilgan bo‘lsa, maxsus tekshiruv usullari: IFA va PZR tekshiruvi orqali tug‘ruq vaqtida kindik qoni olinib tekshirildi. Shuning bilan IFA tahlili orqali buyrakning SMVI zararlanish darajasini aniqlash maqsadida tug‘ruqxonada chaqaloqlar siydigi olinib va qon plazmasida NGAL biomarkeri IFA tekshiruvi orqali chaqaloqlar buyragi zararlanish darajasi aniqlandi hamda 4-5 kunlari tug‘ruqxonada sharoitida qayta qon olinib tekshiruv nazorati o‘tkazildi. Tug‘ruqxonadan so‘ng esa nazoratga olinib kuzatilgan chaqaloqlarni chaqirilib katamnezda bir oylikida, 3 oylikida 6 oylikida hamda 1 yoshida ob‘yektiv ko‘rikdan o‘tkazilib, hayot anamnezi o‘rganildi. Ko‘rikda umumiy qon tahlili va umumiy siydik tahlili o‘tkazilib borildi. Shuning bilan tug‘ruqxonada sharoitida ahvoli og‘ir bo‘lib, e‘tiborga molik chaqaloqlar hamda buyrak siydik chiqarish tizimida muammo bo‘lgan chaqaloqlar har o‘n besh kun oralig‘i bilan umumiy siydik tahlili qilib borildi.

Natijalar. Asosiy guruhga onasida SMVI IFA va PZR tekshiruvlari orqali SMVI aniqlanib tug‘ilgan (n=30)chaqaloqlar; 2-sog‘lom chaqaloqlar guruhi (n=20) onasida SMVI aniqlanmagan chaqaloqlarning 1 yoshgacha kuzatuv nazorati olib borildi. Asosiy guruh onalarning homiladorlik davrida SMVI hamda turli xil infeksiyalar aniqlanib tug‘ilgan bo‘lib, bu guruh chaqaloqlarda Apgar shkalasi bo‘yicha sog‘lom chaqaloqlar guruhiga qaraganda past baholanib tug‘ildi, moslashish davrida emishning sustligi, tashqi ta‘sirga sust javob berishi, nafas buzilish sindromi har xil darajada n=9(30%), sariqlik uzoq vaqtgacha cho‘zilishi n=10(30%)ida kuzatildi va klinikasida billirubinning oshishi uzoq vaqtgacha davo muolajalariga qaramasdan baland bo‘lishi kuzatildi. Sog‘lom guruhda bu klinik ko‘rsatkichlar uchramadi. Laborator tahlillardan umumiy qon tahlilida asosiy guruhda leykositlar $13,02 \pm 1,12/l$ baland bo‘lganligi gemoglobinning $111,93 \pm 2,84g/l$ pastligi aniqlandi (1 jadval) qonning qolgan tarkibiy qismlarida sezilarli patologik o‘zgarishlar aniqlanmadi.

Qon biokimyoviy tarkibi tahlil qilinganda qon guruhlari mos kelishiga qaramasdan mo-chivena $7,17 \pm 1,14$ mmol/l, kreatinin $109,67 \pm 24,82$ mkmol/l va azot qoldig‘i asosiy guruhda (2 jadval) oshganligi aniqlandi.

Umumiy siydik tahlili tug‘ruqxonada yig‘ib olingan siydik hisoblanib, unda esa asosiy guruhda leykositlar $14,71 \pm 3,93$, oqsillar, epiteliylarning qisman eriositlarning sog‘lom guruhiga

1 jadval.

Chaqaloqlarning 1-kun kindigidan olingan umumiy qon tahlili (Mm).

№	Ko‘rsatgichlar	Asosiy chaqaloqlar guruhi (n=30)	Sog‘lom chaqaloqlar guruhi (n=20)	P
1	Leykositlar $4 \cdot 10^9/l$	$13,02 \pm 1,12$	$8,12 \pm 1,12$	$<0,001$
2	Neytrofillar %	$53,83 \pm 3,19$	$50,36 \pm 2,46$	$>0,5$
3	Limfositlar %	$37,33 \pm 3,7$	$34,1 \pm 3,23$	$>0,5$
4	Monositlar %	$10,28 \pm 1,02$	$9,23 \pm 0,72$	$>0,2$
5	Eozinofillar %	$1,15 \pm 0,24$	$1,61 \pm 0,25$	$>0,1$
6	Bazofillar %	$0,18 \pm 0,03$	$0,11 \pm 0,03$	$>0,1$
7	Gemoglobin g/l	$111,93 \pm 2,84$	$122,55 \pm 2,74$	$<0,01$
8	Trombositlar $208-400 \cdot 10^9/l$	$271,7 \pm 18,69$	$221,79 \pm 9,46$	$<0,05$
9	Eritrositlar cho‘kish tezligi mm/s	$4,2 \pm 0,61$	$3,08 \pm 0,42$	$>0,1$

Eslatma: p – sitomegalovirus infeksiyasi bor onalardan tug‘ilgan chaqaloqlar va sog‘lom yangi tug‘ilgan chaqaloqlar umumiy qon tahlili ko‘rsatkichlaridagi farqlarning ishonchligi.

2 jadval.

Chaqaloqlar qon biokimyoviy tahlili ko'rsatgichlari (Mm).

№	Ko'rsatgichlar	Asosiy chaqaloqlar guruhi (n=30)	Sog'lom guruh (n=20)	P
1	Azot qoldig'i mmol/l	23,15±2,44	17,85±0,53	<0,05
2	Qondagi mochivena mmol/l	7,17±1,14	4,14±0,20	<0,05
3	Qondagi kreatinin mkmol/l	109,67±24,82	46,23±1,83	<0,05
4	Siydik kislotasi mmol/l	271,8±79,02	3,82±0,15	<0,01
5	Ishqoriy fosfataza ED	263,33±7,33	302,5±0,87	<0,001

Eslatma: *p* – sitomegalovirus infeksiyasi bor onalardan tug'ilgan chaqaloqlar va sog'lom yangi tug'ilgan chaqaloqlar ko'rsatkichlaridagi qon biokimyoviy tahlili farqlarning ishonchliligi.

3 jadval.

Chaqaloqlarning tug'ruqxona sharoitida yig'ilgan siydik tahlilining ko'rsatkichlari (Mm).

№	Ko'rsatgichlar	Asosiy chaqaloqlar guruhi(n=30)	Sog'lom chaqaloqlar guruh(n=20)	P
1	Leykositlar 1-2 ko'ruv maydonida	14,71±3,93	2,9±0,56	<0,01
2	Oqsillar g/l a6c ko'ruv maydonida	0,12±0,03	0,01±0,01	<0,001
3	Zichligi 1,012-1,022	1,018±0	1,018±0	>0,5
4	Epiteliylar ko'ruv maydonida	5,38±1,32	0,7±0,25	<0,001
5	Eritrositlar ko'ruv maydonida	2,35±0,78	0,45±0,15	<0,05
6	Silindirlar ko'ruv maydonida	0,21±0,10	0,47±0,22	>0,2

Eslatma: *p* – sitomegalovirus infeksiyasi bor onalardan tug'ilgan chaqaloqlar va sog'lom yangi tug'ilgan chaqaloqlar siydigi ko'rsatkichlaridagi farqlarning ishonchliligi.

4 jadval.

NGAL biomarkerining qon va siydikdagi tahlil ko'rsatkichlari (Mm).

№	Ko'rsatgichlar	Asosiy chaqaloqlar guruhi(n=30)	Sog'lom chaqaloqlar guruh(n=20)	P
1	NGAL qonda	298,57±28,29	220,57±23,12	<0,05
2	NGAL siydikda	236,67±23,27	86,86±8,46	<0,001

Eslatma: *p* – sitomegalovirus infeksiyasi bor onalardan tug'ilgan chaqaloqlar va sog'lom yangi tug'ilgan chaqaloqlarning NGAL biomarkeri ko'rsatkichlaridagi farqlarning ishonchliligi.

nisbatan balandligi aniqlandi, bu esa chaqaloq buyrak nefronlarining zararlanib yallig'lanish belgisidir. II- guruh chaqaloqlarda esa yuqoridagi shu ko'rsatkichlar fiziologik holat normalaridan yuqori emasligi (3 jadval) olingan siydik tahlillardan aniqlandi.

Shuning bilan tug'ruqxona qon plazmasi va siydik tahlillarida o'tkazilgan buyrakning o'tkir zararlanish belgisi bo'lgan NGAL biomarkeri 236,67±23,27 ham sog'lom chaqaloqlar guruhiga nisbatan oshganligi aniqlandi (4 jadval). Bu esa perinatal davrning o'zida chaqaloqlar buyragi zararlanganining isbotidir.

Chaqaloqlar siydigi dastlabki kunlarda yig'ilganida siydik maxsus tekshirish usuli "Boyg'uli ko'zi" sinamasi Ramonovskiy Gimza usulida buyalganda dastlabki tug'ruqxona sharoitida yig'ilgan siydik tahlilida sitomegalovirus infeksiyasi ikkila guruhda ham aniqlanmadi bu esa chaqaloqlar buyragi dastlab SMVIning ajratmasligini ko'rsatadi. Shuning bilan chaqaloqlarda sog'lom guruhida moslashish davri oson kechdi va yuqorida keltirilgan asosiy guruhda kuzatilgan muammolar kuzatilmadi.

Buyraklar UTTda quyida 5 jadvalda keltirilgan. Unga ko'ra asosiy guruhda oq buyrak sindromi 7 nafarni va gidronefroz kasalligi bilan 2 nafar chaqaloqlari aniqlandi. qolgan chaqaloqlar tekshirilganda o'zgarishlar aniqlanmadi. II-guruh sog'lom chaqaloqlarda esa tug'ruqxona moslashish davri oson kechdi va yuqoridagi muammolardan faqatgina UTT tekshiruvida oq buyrak 1 nafarida aniqlandi va qayta 1 oyligidagi ko'rikda bu patologik o'zgarishlar yo'qoldi.

Yuqoridagi siydik tahlillaridan shunday xulosa qilish mumkinki birinchi guruh ya'ni SMVI aniqlangan chaqaloqlarda buyrak UTT tekshiruvi va siydik tahlili natijalaridagi o'zgarishlardan ma'lum bo'ldiki SMVI bor chaqaloqlar buyrak va siydik yo'llarida homiladorlik davrida o'zgarishlar keltirib chiqaribgina qolmasdan ilk bolalik davrida ham buyrakda yallig'lanish jarayonlariga

5 jadval.

Yangi tug'ilgan chaqaloqlar buyraklar ultra tovush tekshiruvi.

№	Kasalliklar nomi	Asosiy chaqaloqlar guruhi(n=30)	Sog'lom chaqaloqlar guruhi(n=20)
1	Oq buyrak sindromi	7	1
2	Gidronefroz	3	0
3	MKD	2	0
4	O'zgarishsiz	18	19

6 jadval.

Nazoratdagi chaqaloqlarning bir yoshgacha katamnez kuzatuv natijalari.

№	Chaqaloqlarning 1 yoshgacha kuzatilgan shikoyatlari	Asosiy guruh chaqaloqlar (n=30)	Sog'lom guruh chaqaloqlar (n=20)
1	Asab tizimi bilan bog'liq muammolar	13 (43.3%)	1 (5%)
2	Nafas yo'llari kasalliklari	18 (60%)	6 (30%)
3	Hazm qilish bilan bog'liq muammolar	15 (50%)	5 (25%)
4	Siydik yo'llari kasalliklari	8 (26.7%)	1 (5%)
5	Sariqlikning cho'zilishi(10 kundan oshganligi)	10 (33.3%)	2 (10%)
6	O'lim yuz	1 (3.3%)	0 (0%)

olib keldi bir yoshgacha bo'lgan kuzatuvdagi bolalarda pielonefrit, siydik yo'llari yallig'lanish kasalliklari sog'lom guruhga nisbatan yuqori ko'rsatkichlarda aniqlandi. Shuning bilan birgalikda bir nafar chaqaloqda kasallik asoratidan o'lim kuzatildi. Bu 6 jadvalda keltirilgan

6 jadvaldan shu narsa aniqlandiki SMVI bilan zararlangan onalardan tug'ilgan chaqaloqlarda nafas yo'llari va hazm qilish tizimi muammolari sog'lom guruhiga nisbatan ikki barobar ko'p uchradi. Asab tizimi muammolari (bezovtalik, talvasa, oyoqni erta tutaolmaslik, tashqi ta'sirlarga reaksiyasining sust javob berish kabi shikoyatlar) sog'lom guruhidan foizi ancha yuqori ekanligi jadvaldan ham ma'lum bo'lib turibdi. Siydik yo'llari zararlanishi hamda fiziologik sariqlikning cho'zilishida ham bir buncha yuqori ekanligi kuzatildi. O'lim faqat asosiy guruhda bir nafar chaqaloqda yuz berib, buyrak yetishmovchiligidan M.Fning 11.08.22da tug'ilgan bolasida 4 oyligida BKTBM jonlantirish bo'lmida yuz o'lim yuz berdi.

Xulosa. Bundan shuni xulosa qilish mumkinkim, SVMI infeksiyasi homilador ayollar organizmiga sezdirmasdan ta'sir qilib, qachonki ona organizmining immun tizimi tushishi, homila yo'ldoshining zararlanishi oqibatida va ona organizmiga qo'shimcha kasalliklar qo'shilishi natijasida homilaning ona qornida SMVIning o'tishligi tug'ilajak chaqaloqlarning barcha a'zo va organlariga ta'sir qilishi mumkinligini ko'rish mumkin. Shuning bilan birglikda SMVI aniqlangan chaqaloqlar siydik va qon laborator tahlillaridagi NGAL biomarkerining perinatal davrda oshishi, keyinchalik erta bolalik va bolalik davrlarida siydik ajratish tizimi tez-tez yallig'lanishi va uning asoratlanishi mumkin ekanligi aniqlandi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Великов В.В. Лабораторная служба №2.2015..
2. Еремеева А.В., Длин В.В., Корсунский А., Зайкова Н.М, Бондаренко Е.Д., Кондрикова Е.В. Клиническая Нефрология №3 / 2017
3. Иванова Д.Д., Калантаренко Ю.В., Корочев А.В., Кучма И.Л., Паламар П.С. оригинальные статьи №2. 2012; Сафина А.И, Даминова М.А; Н.Н.; Смирнова2019.
4. Кирилочев О.К., Кибирова А.И., Каширская Е.И. Современное состояние проблемы цитомегаловирусной инфекции у новорожденных // Астраханский медицинский журнал. - 2015. - №2. – С. 6-17.
5. Комарова А.А., Антонова И.В., Любавина А.Е., Антонов О.В. К вопросу о роли цитомегаловирусной инфекции в развитии хронического вторичного пиелонефрита у детей раннего возраста // Journal of Siberian Medical Sciences. - 2015. - №5. – 5 с.
6. Конькова Н.Е., Длин В.В., Игнатова М.С., Турпитко О.Ю., Варшавский В.А., Голицина Е.П. Врожденный нефротический синдром у ребенка с цитомегаловирусной инфекцией. Российский вестник перинатологии и педиатрии №3. 2010.

7. Кочкина С.С., Ситникова Е.П., Особенности цитомегаловирусной инфекции: обзор литературы. Педиатрия. № 6 (123), 2016. Стр.1-12.
8. Лындин А. А. Герпесвирусная инфекция и ее роль в поражении почек. Российский вестник перинатологии, 6, 2010
9. Павлов В.Н., Пушкарев А.М., Ракипов И.Г., Алексеев А.В., Насибуллин И.М. Медицинский вестник Башкортостана. Том 8, № 6, 2013.
10. Сафина А.И., Даминова М.А. Педиатрия 2012/Том91/№6; Павлов В.Н. Пушкарев А.М. 2013.
11. Смирнова Н.Н, Галкина О.В., Новикова В.П., Прокоьева Н.Э. Современные биомаркеры повреждения почек в педиатрии Нефрология 2019. Том 23 №4.
12. Смирнова Н.Н., Галкина О.В., Новикова В.П., Прокапьева Н.Е. Нефрология. 2019 Том 23 №4.
13. Сотников И.А. Клинико-лабораторное значение активной формы цитомегаловирусной инфекции у детей с соматической патологией. Автореферат 2017.
14. Татарова И.В. Состояние органов мочевыделительной системы при врожденной цитомегаловирусной инфекции у детей первого жизни. Автореферат. Ставрополь – 2004.
15. Ткаченко А.К. Устинович А.А. учеб. пособ. Неонатология 2009.236-242с
16. Холоднова Н.В, Л.Н. Мазанкова, А.А Вольтер, И.Е. Турина. Современный взгляд на проблему врожденной цитомегаловирусной инфекции. Детские инфекции. 2019 18 (3)
17. Цинзерлинг В.А и др. 2014 ерлинг, В.А. Внутриутробные инфекции: современный взгляд на проблему / В.А. Цинзерлинг // Журнал инфектологии. – 2014. – Т. 6. – С. 5–10.
18. Шиканова С. Ю. Ералиева Л.А., Онгарбаева Н.Х. Катамнез детей, рожденных от матерей с цитомегаловирусной инфекцией. Медицинский журнал западного Казахстана 2.16.2015г
19. Adler S.P., Nigro G. Fetal infections: Cytomegalovirus, Herpes simplex, and Varicella. //In: Neonatology. A practical approach to neonatal diseases. G. Buonocore, R. Bracci, M. Weindling (Eds). Springer-Verlag, Italia, 2012: 869–879
20. Voppana SB., Pass RF., Britt WJ., et al. Symptomatic congenital cytomegalovirus infection: neonatal morbidity and mortality. *Pediatr Infect Dis J.* 1992;11:93
21. Dinleyici E.C., Dogruel N., Dinleyici M., Us T. Adrenal insufficiency associated with cytomegalovirus infection in two infants. *Int J Infect Dis.* 2009; 13(4):181—4. <https://doi.org/10.1016/j.ijid.2008.08.021>.

ЮРАК НУҚСОНИ БИЛАН ОҒРИГАН БОЛАЛАРДА ПАРОДОНТ ТЎҚИМАЛАРИ ХОЛАТИНИНГ ЦИТОЛОГИК ЎЗГАРИШЛАРИНИ АНИҚЛАШ КЎРСАТКИЧЛАРИ

Д. Ш. Ҳамроева

Бухоро давлат тиббиёт институти, Бухоро, Ўзбекистон

Таянч сўзлар: юрак нуқсони, пародонт тўқимаси, цитологик ўзгаришлар.

Ключевые слова: порок сердца, ткань пародонта, цитологические изменения.

Key words: heart defect, parodont tissue, cytological changes.

Ҳозирги вақтда болаларда юрак етишмовчилигининг тарқалиши ортиб бормоқда, бу мураккаб туғма юрак нуқсонларини жарроҳлик йўли билан даволашдаги ютуқлар ва замонавий терапия усуллари фонида кардиомиопатияли болаларнинг умр кўриш давомийлигининг ошиши билан боғлиқ.

ПОКАЗАНИЯ К ВЫЯВЛЕНИЮ ЦИТОЛОГИЧЕСКИХ ИЗМЕНЕНИЙ В СОСТОЯНИИ ТКАНЕЙ ПАРОДОНТА У ДЕТЕЙ С ПОРОКАМИ СЕРДЦА

Д. Ш. Ҳамроева

Бухарский государственный медицинский институт, Бухара, Узбекистан

В настоящее время распространённость сердечной недостаточности у детей растёт, что связано с достижениями в хирургическом лечении сложных врожденных пороков сердца и увеличением продолжительности жизни детей с кардиомиопатией на фоне современных методов терапии.

INDICATIONS FOR THE DETECTION OF CYTOLOGICAL CHANGES IN THE CONDITION OF PERIODONTAL TISSUES IN CHILDREN WITH HEART DEFECTS

D. Sh. Hamroeva

Bukhara state medical institute, Bukhara, Uzbekistan

Currently, the prevalence of heart failure in children is increasing, due to advances in the surgical treatment of complex congenital heart defects and an increase of the life expectancy of children with cardiomyopathy on the background of modern methods of therapy.

Мавзунинг долзарблиги: Юрак-қон томир тизими касалликларининг энг кенг тарқалган асоратларидан бири юрак нуқсони синдромининг (ЮН) ривожланишидир. Ривожланган мамлакатларда юрак нуқсони ногиронлик ва меҳнатга лаёқатли аҳоли ўлимининг асосий сабабларидан биридир (ЖССТ, 2005). Юрак нуқсонининг энг кўп учрайдиган сабаблари: юрак ишемик касаллиги (50-70%), артериал гипертензия (12-17%), спиртли ичимликларни суиистеъмол қилиш (7-9%), диабетес меллитус (10%), кардиомиопатия (3-4%) [Калюзин В. В., Калюзин О.В., Тепляков А.Т. ва бошқалар, 2006].

Кўплаб тадқиқотлар натижалари атеросклероз ва унинг асоратларининг бошланиши ва ривожланишида тизимли ва маҳаллий яллиғланишнинг бевосита иштирок этишини тасдиқлайди [Ёунг Ж.Л. ва бошқ., 2002; Чю К.Й. ва бошқ., 2002]. Шу муносабат билан оғиз бўшлиғининг юқумли касалликлари юрак-қон томир касалликларининг ривожланиши учун хавф омили сифатида қаралади [Гордон Л.Д., 2001; Беск Ж.Д., 2001; Курамицу Х.К., 2001]. Юрак-қон томир патологияси бўлган беморларнинг оғиз бўшлиғида характерли ўзгаришлар аниқланмади [Данилевский Н.Ф. ва бошқалар, 2001], аммо атеросклероз, коронар артерия касаллиги, гипертензия ва периодонтал касалликлар ривожланишида статистик жиҳатдан муҳим боғлиқлик аниқланди [Заболотный Т.Д., Ивашченко Ю.Ю., 2006; Бартнева Т.В., 2008; Богатйрева А.М., 2010].

Мавзунинг мақсади: юрак нуқсони билан оғриган болаларда пародонт тўқималари ҳолатининг цитологик ўзгаришларини аниқлашни такомиллаштириш.


Материал ва услублар: Юрак нуқсони касаллигига чалинган, Бухоро вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази кардиология бўлимида даволанишда бўлган ва Бухоро шаҳар ва туман поликлиникаларида яшаш манзили бўйича “Д” ҳисобда бўлган, 2-11 ёшдаги 115 нафар бемор бола текширилди. 2 ёшдан 3 ёшгача бўлган болаларга юрак нуқсони касаллиги хавфи юқори, деб ҳисобланган. Бемор болаларнинг ёш даражалари ЖССТ таснифига кўра тузилган. 2 дан 3 ёшгача бўлган ёш гуруҳини 23 нафар (20,0%), 4-5 ёш гуруҳини 25 нафар (21,7%) бемор бола ташкил қилди, 19 нафар бемор бола 6-7 ёш (16,5%), 28 нафар бемор бола 8-9 ёш (24,3%) ва 20 нафар бемор бола 10-11 ёш (17,4%) диапазонида бўлди.

Натижа ва таҳлиллар: Оғиз бўшлиғи касалликларини даволаш учун мавжуд стандартларни оптималлаштиришда юрак нуқсони синдромининг бошқа органлар ва тизим-

1 жадвал.

Туғма юрак нуқсони шаклида болаларнинг пародонт юмшоқ тўқималари суртмаларининг цитологик кўрсаткичлари (эпителиал хужайралар) динамикаси.

Цитологик тадқиқотлар, хужайра элементлари	Даволашдан олдин		Даволашдан кейин	
	1-ёш гуруҳи	2-ёш гуруҳи	1-ёш гуруҳи	2-ёш гуруҳи
А) Эпителиал хужайралар	71,43±2,43	71,88±2,30	80,4±3,42*	85,2±2,36***
Базал	-	-	-	-
Ядрога эга	38,17±1,53	34,21±1,65	42,5±2,74**	43,7±2,0***
Дағал ядросиз хужайралар	33,26±1,70	35,17±1,61	37,9±2,4*	41,5±1,61**



1 расм. Туғма юрак нуқсони шаклида болаларнинг пародонт юмшоқ тўқималари суртмаларининг цитологик кўрсаткичлари Эпителиал хужайралар диаграммаси

даволашдан бир неча ой ўтиб физиологик кўрсаткичларнинг қийматига етадиган тиканли қатлам ядроли хужайраларининг сони бўйича ифодаланган. Дағал ядросиз хужайралар даволаш курсининг таъсири остида шунингдек ошди ва кузатув якунида, 6-ойга келиб дастлабки маълумотлардан ишончли юқори бўлди. Цитопатология аломатлари бўлган хужайраларни ўрганишда ҳам етарлича аҳамиятли ва ишончли пасайишлар кузатилди (2 жадвал). Агар бемор болаларда бу кўрсаткичлар ишончли ошган бўлса, унда даволашдан сўнг (1 ойдан кейин) ушбу кўрсаткичларнинг пасайиши, лекин характерининг кескин ифодаланиши кузатилди.


Шу тариқа, агар вакуолизирланган цитоплазмали хужайралар даволашдан сўнг иккала кичик гуруҳда дастлабки қиймат билан таққослаганда ҳамда бир неча ой кузатув давом эттирилганида ишончли пасайган бўлса, бу пасайиш нафақат сақланди, балки пасайишда давом этди ва бир неча ойдан сўнг физиологик кўрсаткичлар даражасига етди. Микроорганизмлар билан контаминирланган хужайралар ҳам шундай пасайиш характерига эга бўлди.

Навбатдаги ўрганилган кўрсаткичлар, базофил қўшимчалар ва фагирланган хужайралар даволашдан сўнг ишончли даражада пасайди, бир неча ой кузатувдан сўнг пасайишда

2 жадвал.

Туғма юрак нуқсони шаклида болаларнинг пародонт юмшоқ тўқималари суртмаларининг цитологик кўрсаткичлари Цитопатология аломатлари билан динамикаси.

Цитологик тадқиқотлар, хужайра элементлари	Даволашдан олдин		Даволашдан кейин	
	1-ёш гуруҳи	2-ёш гуруҳи	1-ёш гуруҳи	2-ёш гуруҳи
Б) Цитопатология аломатлари билан	1,46±0,04	1,53±2,03	0,78±0,02***	0,71±0,02***
Вакуолизирланган цитоплазма	0,35±0,01	0,41±0,02	0,21±0,01***	0,19±0,01***
Деформацияланган ядро	0,49±0,03	0,48±0,01	0,23±0,01***	0,20±0,01***
Базофил қўшимчалар	0,09±0,01	0,07±0,003	0,09±0,002	0,09±0,003***
Контаминирланган	0,38±0,02	0,39±0,01	0,20±0,01***	0,18±0,01***
Фагирловчи	0,15±0,004	0,18±0,01	0,09±0,004***	0,05±0,002***




2 расм. Туғма юрак нуқсони шаклида болаларнинг пародонт юмшоқ тўқималари суртмаларининг цитологик кўрсаткичлари Цитопатология аломатлари билан диаграммаси

3 жадвал.

Туғма юрак нуқсони шаклида болаларнинг пародонт юмшоқ тўқималари суртмаларининг цитологик кўрсаткичлари Боғловчи тўқима хужайралар динамикаси.

Цитологик тадқиқотлар, хужайра элементлари	Даволашдан олдин		Даволашдан кейин	
	1-ёш гуруҳи	2-ёш гуруҳи	1-ёш гуруҳи	2-ёш гуруҳи
1. Боғловчи тўқима хужайралар	43,56±1,69	43,84±1,61	23,49±0,91***	20,75±1,24***
ПМЯХ	37,4±1,63	37,91±1,60	19,1±0,92***	18,2±1,22***
Шикастланмаган моноцитлар	2,87±0,15	2,95±0,13	1,79±0,17***	0,65±0,03***
Очиқ ядроли моноцитлар	3,29±0,19	2,98±0,13	2,6±0,15**	1,9±0,08***



3 расм. Туғма юрак нуқсони шаклида болаларнинг пародонт юмшоқ тўқималари суртмаларининг цитологик кўрсаткичлари. Боғловчи тўқима хужайралар диаграммаси

давом этди, лекин физиологик қийматларга етмади, бироқ бу кўрсаткичларга яқин келди.

Бемор болаларда барча турдаги боғловчи тўқима хужайраларининг миқдори СДПК курсидан сўнг физиологик қиймат кўрсаткичларига яқинлашиб, ишончли пасайди. Шундай қилиб, ПМЯХ кузатувнинг бир неча ойда асосан эришилган ижобий даражада сақланди, бу кўрсаткичлар дастлабки маълумотлардан ишончли паст ва физиологик меъёрга яқин келди. Шикастланмаган моноцитлар ижобий ўзгаришининг динамикаси мазкур кўрсаткичлар даво-


лашдан кейиноқ физиологик меъёрга яқинлашиши (айниқса 2-ёш гуруҳларда) ва бир неча ой кузатувдан сўнг 1-ёш гуруҳда дастлабки маълумотлардан пастда, ижобий даражада сақланишини кўрсатди. 2-ёш гуруҳда ушбу кўрсаткич даволашдан сўнг физиологик кўрсаткичларга етади ва кузатувнинг якунигача шу даражада қолади. Шуни айтиб ўтиш керакки, 2-ёш гуруҳда ўрганилаётган барча цитологик кўрсаткичлар бўйича милк хужайра таркибининг қайта тикланиши ҳам даволашдан кейин, ҳам кузатувнинг узок муддатларида ифодаланган.

Юрак нуқсони билан оғриган болаларни даволаш самарадорлигининг муҳим мезони цитопатология ҳодисаси билан хужайра элементлари сонининг ишончли камайиши бўлди. Цитологик ўзгаришларнинг ижобий динамикаси стандарт стоматологик даволашда бўлган беморларнинг назорат гуруҳида ҳам кузатилади, лекин олинган маълумотлар даволаш курсидагидан сезиларли даражада паст ва фарқ ишончли эмас. Орттирилган шакли билан касалланган болаларнинг ўрганилиши СДПК курсидан сўнг цитограммаларда эпителиал хужайраларнинг миқдори текширувдан олдинги ҳолат билан таққослаганда сезиларли даражада ишончли юқори бўлганлиги ва даволашдан бир неча ойдан сўнг кўрсаткичнинг физиологик қийматига яқинлашганлигини аниқлаб берди [1.3.5.7.9.11.13].

2 жадвал.

Орттирилган юрак нуқсони шаклида болаларнинг пародонт юмшоқ тўқималари суртмаларининг цитологик кўрсаткичлари эпителиал хужайралар динамикаси.

Цитологик тадқиқотлар, хужайра элементлари	Даволашдан олдин		Даволашдан кейин	
	1-ёш гуруҳи	2-ёш гуруҳи	1-ёш гуруҳи	2-ёш гуруҳи
А) Эпителиал хужайралар	69,71±2,40	69,52±2,57	78,2±4,24	84,0±2,93***
Базал	-	-	-	-
Ядрога эга	37,56±2,27	36,41±1,94	41,7±3,80*	42,7±2,04*
Дағал ядросиз хужайралар	32,15±1,19	33,11±1,58	36,5±2,55**	41,3±2,98*



3 расм. Орттирилган юрак нуқсони шаклида болаларнинг пародонт юмшоқ тўқималари суртмаларининг цитологик кўрсаткичлари эпителиал хужайралар диаграммаси

Бунда тиканли қатламнинг ядроли хужайралари даволашдан сўнг физиологик меъёрга яқинлашди ва 3 ойдан сўнг 1 ва 2-ёш гуруҳда физиологик меъёргача кўтарилди. Шу билан бир вақтда иккала кичик гуруҳда бемор болаларда дағал ядросиз хужайраларнинг сони даволашдан сўнг физиологик қийматга етди ва кузатув якунигача эришилган даражада қолди.

Даволаш самарадорлигидан дарак берувчи муҳим мезон дастлабки маълумотлар билан таққослаганда даволаш комплексидан сўнг ишончли пасайган ва эришилган даражада кузатув якунигача сақланган цитопатология ҳодисалари билан хужайра элементлари сонининг камайиши ҳисобланишини айтиб ўтиш лозим.

Цитопатология аломатлари бўлган хужайралар таркибидан вакуолизирланган цитоплазмали хужайралар даволаш курсидан кейин дастлабки маълумотлар билан таққослаганда ишончли пасаяди, физиологик қийматларга яқинлашади ва фақат 6-ойга келиб физиологик меъёрга етади. Деформацияланган ядроли хужайралар сони СДПК курсидан сўнг етар-

лича аҳамиятли пасайиб ($P < 0,01$) физиологик меъёрга яқинлашади ва кузатув якунигача шу даражада қолади.

Боғловчи тўқима хужайраларининг ўрганилиши яллиғлантирувчи инфилтрат – ПМЯХ асосий хужайра элементларининг миқдори орттирилган юрак нуқсони шаклига эга бўлган болаларда соғлом болалар билан таққослаганда кескин юқори, СДПК курсидан сўнг унинг етарлича аҳамиятга эга ишончли пасайиши ($P < 0,01$) кузатилади ва бутун кузатув даврида тобора пасайишда давом этиб, 6-ойга етганда физиологик меъёрга яқин қийматга етади.

Шикастланмаган моноцитларнинг миқдори ПМЯХ каби пасайиш характериға эға. Да-волаш комплекс курсидан сўнг дастлабки қиймат билан таққослаганда 1-ёш гуруҳда 1,5 мартадан ортиқ ва 2-ёш гуруҳ билан таққослаганда 2 марта ишончли пасаяди, шунингдек иккала ёш гуруҳда физиологик кўрсаткичларға яқинлашиб, кузатув якунигача пасайишда давом этади. Очиқ ядроли моноцитларнинг миқдори шунға ўхшаш пасайиш характериға эға. Ушбу гуруҳда шунингдек туғма шаклидаги каби орттирилган шаклиға эға беморларда аниқланган патологик, цитологик ўзгаришлар чуқур ва ёрқин ифодаланган бўлди ва ўтказилган СДПК натижасида милкнинг хужайра таркиби – пародонт юмшоқ тўқималарининг қайта тикланиши, асосан ўрганилаётган барча цитологик кўрсаткичлар бўйича кузатувнинг барча муддатларида жуда давомий натижалар билан ифодланди. СДПК бемор болаларда СКГ ни даволашда самарали, бу клиник ва цитологик усуллар билан тасдиқланди. Умуман, цитологик усулдан фойдаланиш соғлом милк хужайра таркибига тасниф бериш, юрак нуқсони касаллигига чалинган болаларда пародонтнинг юмшоқ тўқималари СКГ шикастланишида цитологик ўзгаришларни аниқлаш имконини берди. Тадқиқот натижалари шунингдек пародонтнинг юмшоқ тўқималарида яллиғланиш реакцияларининг ёпиқ кечувуда, қўлланилган усулларнинг самарадорлигини текшириш ва баҳолашда цитологик усулдан фойдаланиш имконини берди. Шундай қилиб, олинган маълумотларнинг қиёсий таҳлили бир ой давомида СДПК курсининг ўтказилиши анъанавий даволаш билан таққослаганда юрак нуқсони касаллигига чалинган болаларда асосий стоматологик касалликларнинг профилактикаси ва даволаниши учун етарлича самарали усул деган хулосаға келиш имконини берди. Бунда асосий касалликнинг даволаш фонида бемор болаларда сўлакнинг реминераллаштирувчи потенциали, қуруқлиги ва секрецияси, тишлар эмалининг мустаҳкамлиги ошганини айтиб ўтиш лозим [2.4.6.8.10.12.14].

Ўтказилган тадқиқотдан хулоса қилиб, СДПК нинг қўлланилиши оғиз бўшлиғи аъзоларининг гигиена ва физик-кимёвий ҳолати яхшиланишиға, кариесоген ҳолат, яллиғланиш реакцияси ва пародонт юмшоқ тўқималарида қон кетишининг пасайишиға, ССТ ортиши ва қовушқоқлигининг камайишиға ва бир вақтнинг ўзида аралаш сўлакда рН ортишиға олиб келди.

Олинган ижобий натижалар СДПК ни бемор болаларнинг оғиз бўшлиғида турли патологик ўзгаришлар ривожланганида тавсия қилиш имконини беради. Ўтказилган тадқиқотлар асосида биз асосий касалликни даволаш фонида юрак нуқсони касаллигига чалинган бемор болаларда стоматологик даволаш-профилактика комплексининг алгоритминини ишлаб чиқдик.

Хулоса. Таклиф қилинаётган алгоритмни қўллашда кетма-кетлик ва комбинацияларига риоя қилиш, юрак нуқсони касаллигига чалинган бемор болаларнинг оғиз бўшлиғи аъзоларида асосий стоматологик касалликларнинг ижобий кечуви ва уларни даволашда самарадорликни таъминлайди. Ўтказилган комплекс тадқиқот умумий юрак нуқсони касаллигига чалинган бемор болаларнинг оғиз бўшлиғи аъзоларида касалликларнинг кечувида ўзига хосликларни ўрганиш ва уларни даволашға комплекс ёндашув зарурлигини тасдиқлади, юрак нуқсони касаллигига чалинган болалар ҳаёт сифатини кўтаришға ёрдам беради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Аветисян Л.А., Мартынова Н.А., Михайлова Л.С., Бакиева К.М. Распространенность основных стоматологических заболеваний у детей с сочетанной общесоматической патологией // Бюллетень медицинских интернет-конференций. - 2014. - № 12. - С.1363-1364.

2. Бабаджанов Ж.Б., Шарапова П.П. Патологические основы нарушения состояния пародонта при различных соматических заболеваниях // *Stomatologiya*. - 2019. - №2. - С.72-75
3. Кисельникова Л.П., Гуревич К.Г., Нагоева М.М., Зуева Т.Е. Влияние интенсивности поражения зубов кариесом и гигиенического состояния полости рта на качество жизни детей 3-6-летнего возраста // *Институт стоматологии*. 2012. - №1. - С.28-31.
4. Ризаев Ж.А., Шамсиев Ж.А., Шамсиев Р.А., Зайниев С.С. Сопутствующие пороки развития у детей с врожденной расщелиной губы и неба // *Журнал стоматологии и краниофациальных исследований*. 2020. №1. - С. 48-51.
5. Трубка И.А. Биохимические показатели ротовой жидкости у детей школьного возраста при сочетанном течении кариеса и хронического генерализованного катарального гингивита под влиянием лечебно-профилактического комплекса // *Здоровье ребенка*. – 2018. – №3. – С.269-273.
6. Ҳамроева Дилафруз Шукуровна. Умумий юрак нуқсонига эга болаларда пародонт тўқималарининг ҳолатини баҳолаш принциплари// *Fan, ta'lim va amaliyot integratsiyasi. Samarqand*. – 2022 June. –Vol. 3. –No. 7. ISSN: 2181-1776.
7. Ҳамроева Д.Ш., Мирсалихова Ф.Л. умумий юрак нуқсонига билан касалланган болаларнинг умумий стоматологик ҳолати// *Педиатрия Научно-практический журнал.Ташкент*. -2022 (октябрь). -№3. -С.158-162. ISSN 2091-5039.
8. D. Sh. Hamroeva. Risk factors affecting the dental status of the children and ways to prevent them// *A Multidisciplinary International Scientific Conference Hosted online from, Rome, Italy*, - November 25th, 2021. -P. 53-55.
9. Hamroyeva D. Sh. Comparative effectiveness of treatment of initial dental caries in children // *New day in medicine. Bukhara*. -2022. -№: 3 (41). -P. 109-112. ISSN 2181-712X. EiSSN 2181-2187.
10. Hamroeva Dilafruz Shukurovna. General dental condition of children with general heart defects. Peculiarities of dental caries in children with general heart defects// *Международный научно-образовательный электронный журнал «Образование и наука в XXI веке»*.-2022 (июль). -№ 28 (3). –P. 864-871. ISSN 2658-7998; UDC 37; BBK 94.
11. Hamroyeva D.Sh. The method of determining the viscosity of saliva in children with a common heart defect and cytological studies// *Тиббиётда янги кун. Бухара*. -2022 (сентябрь). -№9 (47). –P. 7-10. ISSN 2181-712X. EiSSN 2181-2187.
12. Hamroeva Dilafruz Shukurovna. Comparative evaluation of the therapeutic effect of individual and complex dental examination in children with common heart disease// *European journal of modern medicine and practice*. -2022 (Oct). -Vol. 2 No.10. -P. 103-107. EJMP ISSN: 2795-921X.
